# ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ

**Б.Турсунов**

*Мақолада Ўзбекистонда хорижий тилларни ўқитишнинг йўлга қўйилиши билан боғлиқ жараёнлар ва чет тиллар мутахассислари тайёрлашдаги муаммолар архив маълумотлари ва ҳукумат қарорлари асосида таҳлил этилган.*

***Калит сўзлар:*** *ҳукумат, хорижий тил, мактаб, институт, мутахассис, ўқитувчи, таълим, дастур, маҳаллий кадрлар.*

*В статье на основе архивных сведений и решений правительства анализируются процессы, связанные с изучением иностранных языков и проблемы подготовки специалистов в этой области.*

***Ключевые слова:*** *правительство, иностранный язык, школа, институт, специалист, преподаватель, образование, программа, местные кадры.*

*This article analyzes the issues related to the establishment of foreign language teaching in Uzbekistan and the problems with the preparation of language specialists on the basis of the archive data and government resolutions.*

***Key words:*** *government, foreign language, school, institute, specialist, teacher, education, program, local cadres.*

---

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятининг юксалиши, кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиши, дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиб туриши, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашининг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни чуқур ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Юртимизда XX аср бошларига келиб, шарқ тиллари ва рус тилини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, 60-йиллардан Европа тилларини ўрганишга бўлган эътибор ҳам кучайди. Совет ҳукумати 1947 йилда қабул қилган «Чет тиллар ўқитувчилари тайёрлаш ҳақида»ги 3485-сонли [4.3] ва «Мактабда чет тиллар ўқитишни яхшилаш тўғрисида» 3488-сонли [4.36] қарорлари Ўзбекистонда хорижий тилларни ўқитишнинг бирмунча жонланишига сабаб бўлди. Чунки бу даврга қадар хорижий (чет) тил юртимиздаги кўплаб мактабларда умуман ўқитилмаган эди. Фақат айрим мактаблардагина хорижий тил сифатида немис тили ўқитиларди. Шу муносабат билан бу даврга келиб Республикада чет тилларни ўқитишни йўлга қўйиш ва мавжудларини такомиллаштиришга

жиддий эътибор қаратилиб, юқоридаги қарорлар қабул қилинган эди. Жумладан, қуйидаги бир неча йўналишларда иш олиб бориш вазифаси белгиланди:

- ўқитувчилар тайёрлаш ишини кенгайтириш ва яхшилаш;
- чет тили ўқитилмаётган мактабларда тил ўқитишни йўлга қўйиш;
- ўрганилаётган ғарбий Европа тилларини мақсадга мувофиқ тақсимлаш;
- таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш;
- ўқитиш сифатини ошириш устидан назоратни кучайтириш ва бошқалар.

Бу борада биринчи навбатдаги вазифа мактаб ва олий ўқув юртларини хорижий тилни биладиган мутахассис кадрлар билан таъминлаш эди. Шу сабабли 1948 йил 15 январда Ўзбекистон ҳукуматининг «Чет тили ўқитувчилари тайёрлашни ташкил этиш ҳақида»ги 68-сонли қарори қабул қилинди [4.36]. Қарорда Тошкент педагогика институти ҳамда Тошкент кечки педагогика институти чет тиллар факультетларида маҳаллий ёшлардан чет тиллар бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида, совет ҳукуматининг 1947 йилдаги 3485-сонли қарорига [6.2] асосан, 1948 йили Тошкент чет тиллар педагогика институти (Ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) ташкил қилинган. 1949 йили институт қошида сиртқи бўлим, 1960 йилда кечки бўлим фаолият кўрсата бошлаган. Дастлабки ўқув йилидаёқ Тошкент чет тиллар педагогика институти бошқа олий ўқув юртларига кира олмаган абитурентлар ҳисобига тўлдирилади [6.4]. Олий ўқув юртига қабул қилинган талабалар хорижий тиллардан етарли билимга эга бўлмагани, тил билишга бўлган талаб ва шароитнинг йўқлиги, уни ўрганишга қизиқишнинг пастлиги сабабли биринчи йилнинг ярмидаёқ институтни ташлаб кетганлар сони кўп бўлган.

Тошкент чет тиллар педагогика институтининг ташкил этилиши билан ҳам бутун республикада, айниқса, қишлоқ жойларда чет тили ўқитувчилари етишмаслиги муаммоси бартараф этилмаган. Шу муносабат билан 1950 йилда ҳукумат 1951-1952 ўқув йилидан бошлаб барча университетларнинг филология факультетлари қошида «Чет тили ўқитувчилари тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ҳатто Украина ССРдаги Киев, Одесса, Днепропетровск ва Харьковдаги чет тилларга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ҳар бирида ўзбекистонлик талабалар учун 30 та ўрин ажратилган [4.4].

Юқорида таъкидланганидек, биринчи йўналиш бўйича Тошкент чет тиллар педагогика институти 1951 йилда 117, 1952 йилда 154, 1953 йилда 222 нафар талаба қабул қилди. Чет тиллар факультетларида немис, инглиз, француз тиллари ўқитилган. Ҳукуматнинг таълим режасига кўра беш йил давомида хорижий тиллар бўйича кадрлар сони уч баравар ўсиши назарда тутилган [4.5]. Чет тили йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар сони кейинги йилларда ҳам ўсиб борди. Масалан, 1956-1957 ўқув йилида Республикадаги барча олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида 620 талаба инглиз тили, 483 талаба немис тилидан сабоқ олганлар. 1958-1959 ўқув йилида Тошкент чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг ўзида 601 нафар талаба инглиз тили, 512 нафар талаба немис тилини ўқиб ўрганган [2.93].

Афсуски, ўша йилларда хорижий тилларни ўрганишга маҳаллий миллат вакиллари етарлича жалб этилмади. Бунга сабаб қишлоқ мактабларида чет тилларнинг ўқитилмаслиги бўлса, бирламчи сабаб қишлоққа бориб ишловчи чет тили ўқитувчиларининг камлиги эди. Ҳақиқатан ҳам, қишлоқ жойларда чет тили ўқитувчилари етишмаслиги сабабли улар шу фанни тўлиқ ўтмасдан мактабни тугатишган. Она тилидан ташқари энг кўп соат ажратилган «Рус тили» фанидан ҳам ўқитувчи етишмаган. Маҳаллий аҳоли ёшлари орасида ҳатто рус тилини билмаслик кузатилган. Армия ёшидаги, ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар рус тилини 2-3 йиллик ҳарбий муддатда ўрганишга мажбур бўлдилар. Қишлоқ қизлари орасида, айниқса, рус тилини билмайдиганлари кўп бўлган.

1948 йилда Тошкент чет тиллар педагогика институтига қабул қилинган 370 нафар талабанинг 12 таси, яъни 0,3 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Бир неча йил зўр бериб уринишлар, ташвиқотлардан сўнг маҳаллий миллат вакиллари сони орта борган. 1956-1957 ўқув йилида 1163 талабадан 545 таси (46 %), 1961-1962 ўқув йилида 1377 талабадан 997 таси (72 %), 1970-1971 ўқув йилида 2672 талабадан 2267 киши (84 %) ўзбеклар эди [2.122]. Маҳаллий аҳоли вакилларидан ўқишга жалб этилганлар сонининг ортиши муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки таълим ўзбек тилида олиб борилган мактабларда ўқитувчилар ўқувчиларнинг она тилини билишлари, ўқитиш давомида пайдо бўладиган қийинчиликларни яхши тасаввур эта олишлари керак эди. Шундай қилиб, маҳаллий миллат вакилларидан чет тиллар бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш муаммоси 70-йиллар бошларига келиб ечим топа бошлаган.

Иккинчи йўналиш, яъни чет тиллари ўқитилмаётган мактабларда чет тил ўқитишни йўлга қўйиш бўйича 1941 йилнинг январь ойида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети мактабларда чет тиллар ўқитишни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, 1941/1942 ўқув йилида 5-синфдан бошлаб барча шаҳар мактабларида, кейинроқ эса барча қишлоқ мактабларида ҳам чет тиллар ўқитилишига эришиш лозим эди. Чет тилини ўзлаштира олмаган ўқувчи синфда қолса, олий ўқув юртида ҳам талабалар кейинги босқичга ўта олмаган [3.122]. Бироқ II жаҳон урушининг бошланиши ушбу қарор ижросини сустлаштириб юборди.

Ҳукумат қарорида кўрсатилганидек, маълум вақт ўтиб хорижий тиллар ўқитишни кенгайтириш иши барча мактаблар ўқув режасида бу фанларнинг улушини

ошириш йўли билан ҳам олиб борилган. Масалан, 1946-1947 ўқув йилида чет тили учун 395 соат ажратилган бўлса, 1947-1948 ўқув йилидан бошлаб бу 462 соатга кўпайган. 1959 йилга келиб республикадаги 37 фоиз мактабларда чет тиллар ўқитилган [5.2]. 1961-1962 ўқув йилидан эътиборан 25 тадан ортиқ ўқувчиси бўлган синфларда чет тили дарсларини икки гуруҳга ажратиб ўқитиш белгилаб қўйилди. Кўзланган мақсад, яъни ўқувчиларда гапириш, тинглаб тушуниш ҳамда ўқиш ва ёзув малакаларини ҳосил қилишдан иборат замонавий натижаларга эришиш бўлган.

Учинчи йўналиш, яъни ўрганилаётган ғарбий Европа тилларини мақсадга мувофиқ тақсимлаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Дастлаб Республика мактабларида хорижий тилларни мақсадга мувофиқ равишда тақсимлашнинг махсус режаси ишлаб чиқилди. Режага асосан, 1952-1953 ўқув йилига қадар мактабларда 45 фоиз инглиз тили, 25 фоиз немис тили, 20 фоиз француз тили ўқитилиши ҳамда шу йилдан бошлаб испан тили ҳам киритилиши назарда тутилган [4.40]. Таълим жараёнида режа ва амалиёт тажрибада мос келмади. Масалан, режага асосан 1948 йилнинг ўзида 30 фоиз мактабларда инглиз тили ўқитилиши назарда тутилган бўлса, амалда 7.7 фоиз мактабда инглиз тили ўқитилган [4.38]. Янги ташкил қилинган Тошкент чет тиллар педагогика институти олий маълумотли кадрларни фақат 4-5 йилдан кейингина тайёрлаб чиқариши назарда тутилмай режага киритилган. Бундай шароитда мактабларда немис тилини инглиз тили билан алмаштиришга осонлик билан эришиб бўлмас эди. Шу билан бирга, режадаги суръат орттириб юборилган бўлса-да, ушбу режа Ўзбекистон учун ижобий аҳамият касб этди, чунки хорижий тилларни ўқитиш доимий диққатни талаб қилар эди. Мавжуд қийинчиликлар, нореал ҳолатларга қарамай, аста-секин натижалар кўзга ташлана бошлади. 1960/1961 ўқув йили маълумотларига кўра, немис тилини 45,4 фоиз ўқувчи, инглиз тилини 42,8 фоиз, француз тилини эса 11,8 фоиз ўқувчи ўрганмоқда эди. Бу кўрсаткичлар мазкур муаммонинг бартараф этилаётганини кўрсатар эди [2.92].

Тўртинчи йўналиш таълим муассасаларини ўқув адабиёти билан таъминлаш бўлиб, дастлаб марказда ишлаб чиқилган дастур ва адабиётларни шунчаки таржима қилиш билан чекланилган. Асосий муаммо хорижий тиллар бўйича ўқув адабиётлари нашр қилишда ўзбек тили ҳисобга олинмагани эди. Бундан ташқари, Россия мактабларида XX асрнинг 40-йилларида хорижий тилларни ўрганишга 702 соат ажратилган бўлса, ўзбек мактабларида ҳаммаси бўлиб 468 соат белгиланган эди [2.85]. Хорижий тилларни ўқитишда турлича ёндашув мавжудлиги, ўқув соатларидаги фарқ, ўқув адабиётларининг менталитетга мос эмаслиги ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бундай мослаштирилган дастурлар билан ишлаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. 1961 йилга қадар ўзбек синфлари, гуруҳлари ёки ўрта ва олий ўқув юртлари хусусиятларини ҳисобга оладиган ўқув қўлланмалар мунтазам чиқарилган эмас.

Чет тилларни ўрганиш тўғрисидаги 1961 йилдаги ҳукумат қарори республикада хорижий тилларни ўрганишда янги даврни бошлаб берди. Шундан кейингина миллий хусусиятлар ҳисобга олинган дарсликлар етишиб чиққан маҳаллий кадрлар билан русийзабон муаллифлар ҳамкорлигида тайёрланди. Масалан, 1962 йилда нашр этилган 5-8 синфлар учун инглиз, немис, француз тиллари бўйича дарслик, методик мақола ва кўрсатмалар ҳаммуаллифликда тайёрланди.

Ўзбек мактаблари учун дастур тайёрлашнинг ўз тарихи бор. 1968 йилда илк бор дастур лойиҳаси (рус тилида) эълон қилинган. Лойиҳа муҳокамадан ўтказилиб, 1970/1971 ўқув йилидан ушбу дастур мактабларда жорий этилди (унга қадар ўзбек мактабларида русийзабон халқлар учун мўлжалланган дастурларнинг таржима нусхаларидан фойдаланиб келинган). Шундай қилиб, мактаблар XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб фақат дарслик эмас, балки дастур билан таъминланган.

Бешинчи йўналиш – ўқитиш сифатини ошириш устидан назоратни кучайтириш бўйича халқ маорифи олиб борган ташкилотчилик ишининг кейинги босқичи чет тилларнинг ўқитилиши устидан назорат ўрнатиш бўлди. Қайд этиш керакки, 1948 йилгача республикамизда чет тиллар ўқитилиши устидан назорат суст йўлга қўйилган эди [4.40]. Таълим муассасалари маъмурияти ва халқ маорифи раҳбарлари ўзлари шу фанлар бўйича мутахассис бўлмаганлари сабабли ҳақиқий назорат ўрната олмас эдилар. Юқорида айтиб ўтилган қарорлар қабул қилингач, хорижий тиллар бўйича вилоят халқ маорифи инспекторлари ва ўқитувчилар малака ошириш институтларида чет тиллар методистлари лавозимлари штатлари жорий этилди. Маориф соҳасидаги янги йўналиш, биринчидан, хорижий тиллар ўқитишни тартибга солган бўлса, иккинчидан, ўқитувчиларни қайта тайёрлашни амалга ошириш учун қулай шароит яратди, зеро, бу ишга мутахассислар раҳбарлик қила бошладилар.

Шу ўринда ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Олий ўқув юртини битириб чиқаётган кадрлар олдига қўйиладиган талаблар ортиб бораётган бир вақтда хорижий тиллар ўқитувчилари малакасини ошириш масаласи ҳал этилиши керак эди. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш бўйича 1962 йилдан Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти қошидаги икки йиллик олий педагогик курслар, 1969 йилдан бошлаб, Тошкент Давлат университетида (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) чет тили ўқитувчилари малакасини ошириш факультети ишлай бошлади. Бу курслар олий малакали кадрлар тайёрлашнинг ишончли марказига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, кадрларни самарали тайёрлаш ва чет тиллар ўқитувчиларини тайёрлашдаги

илғор тажрибани қўллаш мақсадида Республика олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг учта методик бирлашмаси Тошкент (Тошкент шаҳри учун), Самарқанд (Самарқанд, Бухоро ва Қарши учун) ҳамда Андижон (Андижон, Фарғона, Наманган ва Қўқон учун) шаҳарларида ташкил этилди [2.102]. Олий ўқув юртларида чет тиллардан олиб бориладиган ишларни тартибга солиш ва биринчи навбатда чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш мақсадида 1963 йилда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида чет тиллар илмий-методик йўналиши ташкил этилди. Бу тадбирлар кейинчалик хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш учун шароит яратиш имконини берди. Мактабларда чет тили фанини ўқитишни йўлга қўйиш бешта босқичда амалга оширилди. Шундан сўнг мутахассис тайёрлаш, дарслик ва методик қўлланма ишлаб чиқиш, чет тили ўқитиш сифатини тубдан ўзгартириш ҳаракатлари бошланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортди. Мамлакат келажаги билимдон, доно ва маънавий баркамол кадрларга боғлиқ эканидан келиб чиқиб 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифалар шуни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганини таъкидлаб, «Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз» [1], деб таъкидлади. Айниқса, хорижий тилларни билиш, ўрганиш учун мамлакатимизда мустақилликнинг бир меваси сифатида 1992 йилда бир нечта олий ўқув юртлари қатори Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ташкил этилганлиги ва махсус қарор асосида янгидан барпо этилгани катта тарихий воқеа бўлди. Хусусан, дастлаб 4 та, бугунга келиб эса 20 дан ортиқ хорижий тиллар ўқитилаётган даргоҳда 80 фоиздан ортиқ қиз болаларнинг таълим олаётганини таъкидлаш жоиз. Талабалар бу ерда бошқа халқларнинг нафақат тили, балки тарихи, маданияти, маънавияти, урф-одатлари билан ҳам яқиндан танишадилар.

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида: «Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсади» [7] қўйилганлиги таъкидланган. Шу билан бирга, Қарорда кўрсатилганидек, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди. Зеро, чет тилини билиш орқали тили ўрганилаётган миллатнинг ички дунёсига ҳам кириб борилади, бу эса, ўз навбатида, маънавиятли шахс тафаккурини бойитиш ва баркамол авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар:**

1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // XXI ASR.- 2016.- 8 декабрь.

2. Зарипова Р.А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1986.

3. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1996.

4. ЎзМДА. Фонд Р-94, 5-рўйхат, 4977-йиғма жилд. Приказы и инструкции Министерства Высшего Образования СССР о подготовке преподавателей иностранных языков в школах Уз.ССР.

5. ЎзМДА. Фонд Р-94, 5- рўйхат, 5090-йиғма жилд. Планы, отчеты, переписка Министерства просвещения с Министерством финансов УзССР об укомплектовании сельских школ учителями иностранного языка.

6. ЎзМДА. Фонд Р-94, 5-рўйхат, 5178-йиғма жилд. Отчет о работе Ташкентского педагогического института иностранных языков за 1948/49 учеб. год.

7. Халқ сўзи.- 2012.- 11 декабрь.

*Андижон давлат университети,*
*2018 йил 5 апрелда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. Д.Бобожонова)*